
Аҳолини рўйхатга олиш муҳим жараён

Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ республикамизда 2020 йил 16 мартда № ЎРҚ 611-сонли “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида” ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун 31-моддадан иборатдир.

Аҳолига рўйхатга олиш - бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги ижтимоий-иқтисодий, нуфузий ҳолатларини ифодаловчи умумдавлат миқёсидаги тадбирдир. Аҳолини рўйхатга олиш яқунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин бўлади. Шунингдек, тафсилот ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни ишлаб чиқишда ҳам зарурдир. Бир сўз билан айтганда, аҳолини рўйхатга олиш тадбири ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги қонунда аҳолини рўйхатга олишнинг мақсади, тартиби, ва муддатларини аниқлаш, замонавий технология ва усилбиётлари асосида аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш ва ташкил этиш, аҳолини рўйхатга олишни ўтказишда иштирок этувчи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини белгилаш, жисмоний ва юридик шахсларни ушбу жараёнларга қатнашиши учун аниқ механизмдир, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш манбаларини белгилаш, яқуний натижаларни амалга ошириш учун ташкилий-амалий, ҳуқуқий, иқтисодий, бошқа чора-тадбирларни келтириб ўтиш инобага олиниши кўрсатиб ўтилган.

Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси тасдиқланиб, унга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ҳам яратилди. Республика ҳамда ҳудудий комиссиялар таркиби, уларнинг вазифалари белгиланди.

Риштон тумани статистика бўлими

2020-11-05 17:01:54